

РҮЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№ 83 (2347)

1991 ЙИЛ 11 ИЮЛЬ

ПАЙШАНБА

БАҲОСИ 10 ТИИИН

ЙЎЛТУСАРЛАР ҚЎЛГА ТУШДИ

Бухоро ўқитувчилар тайёрлап олий билимгоҳи талабаси Тоҳиржон маиший хизмат уйи орқасидан ўтиб кетаётганида пичоқ ушлаган иккى йигит йўлни тусиб чиқди.

— Қашм, бор-будингни чиқар, — деб ўдагайлади улардан биро.— Акс ҳолда биёнингдан дарча очамиз.

Тоҳиржоннинг баданидан совуқ тер чиқиб кетди. Атрофга алланглади. Аксига олиб, бирор тирик жон кўриннади.

— Намунача лаллясан, тезроқ бўл, — деди иккинчи йўлтусар. — Еки жонингдан тўйдигим?

«Бир амаллаб пичоқин тортиб олиш керак», — деди хаёлдан ўтказди Тоҳиржон ва чўнтағидан 50 сўм пулни чиқариб узатди. Пичоқ ушлаган талончи совуқ ишшалиб, пулни олди. Ана шу вазиятни кутган Тоҳиржон фавқулодда унга ташланди, лекин мўлжалдан бироз хато қилди. Совуқ қурол унинг қўлни кўйдирди.


— Даънатилар! — деб ингради у қон тириқраётган қўлни кўксига босиб.

Талончилар эса бу ёққа келаётган одамларни кўриб, жуфтакни ростраб қолишиди. Лекин бузоқнинг юргургани сомонхонагача. Катта ўл бўйлаб бораётган вилоят ИИВ ходими милиция иччик лейтенант Мўминжон Эшмуҳаммедов, ва пост-патрул хизмати ходими милиция старшинаси Нажмиддин Сирожевлар ит қувган соқовдек қочаётган шахслар ортидан қувишиди. Буни кўрган пост-патрул хизмати ходимлари Ислом Раффоров, Иҳтиёр Бобеевлар ҳам ҳамкасларига ёрдамга шошилишди. Шаҳар газлаштириш идорасига етганда талончилар қўлга олинди. Улардан биро Тарихий кўчасида яшаб, «Насосат» ширкатида ишловчи Эркин, иккинчиси эса Коммунистлар иўчасида яшаб, зардўзлик фабрикасида ишловчи Қаҳрамон исмли йигит экан.

Начора, нима эксанг, шун ўрасан, дейдилар.

Обид МУҲАММЕДОВ,
милиция капитани.

Зикрилла НЕЬМАТОВ,
милиция лейтенанти.



Сирдарё шаҳри ва тумани ИИБда жиноятчиликка оширилмоқда.

СУРАТДА: (чапдан ўнг-

га) милиция катта лейтенанти Нурмат Собитов, марказлашган соқчилик пульти милиционери Даврон Раҳмонов ва участка вакили милиция лейтенанти Мамажон Абдушоҳидовлар хавфли жиноятчани қўлга олиш пайдида.

Сураткаш
Боқижон ХОЛМИРЗАЕВ.

КАШШОФЛАР ЗОМИНДА ДАМ ОЛИШАДИ

Жумҳурят ИИВ ходимларининг бир гуруҳ ўғил-қизлари мактаб таътилларида ҳордиқ чиқариш учун Зомин туманида жойлашган «Дэзержинский» кашшофлар уйинида үйга отланнишиди.

У тог ён бағрида, соя-салқин даражатлар қучогида ўрнашган. Кашшофлар уйи бир йўла 100 нафар болага хизмат қиласди.

— Мен Тошкент шаҳри-

даги 72-ўрта мактабда ўқийман. Бир ой уйда бўлдим. Шаҳар жуда исиб кетди. Бу ер менга жуда ҳам ёди, — деди Д. Раҳматов.

Дарҳақиқат, бу ерда дам олаётган ҳар бир ўқувчи таътил кунларини мароқли ўтаётганидан хурсанд.

Хурматли ИИВ ходимлари, ота-оналар!

Фарзандларингизнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши кўп жиҳатдан сизларга боғлиқ «Дэзержинский» кашшофлар уйи эса ўғил-қизларингизни куючоқ очиб кутиб олишга тайёр.

Навбатдаги дам

ошли муддати 5-25 августгача. Йўлланма баҳоси 30 сўм 50 тиин.

Ўзингизни қизинтирган

барча саволларга 31-52 телефони орқали жавоб олишингиз мумкин.

М. ҚОДИРОВ.

Инсон турмушим тинч, оиласам тутув, топганим баракали, эртанги куним бугунгидан ҳам яхшироқ бўлсин, деб яшайди ва шундай ўй-ниятлари йўлида ҳалол меҳнат қиласди. Лекин батзилар мўмай пул топиш, бойлик ортириши мақсадида жиноятга қўл урадилар. Сўнгра қамаладилар. Жазони ўтаб қайтагч эса, ишга жойлашиши оғир кечади. Агар у ёлғиз, оиласиз, кимсасиз бўлса, янада қийин. Бундай кишиларни корхона ва ташкилотлар ҳам «қучоқ» очиб кутиб олмайдилар. Лекин у ҳам инсон фарзанди, ҳаёт кечириши керак. Ҳаётдан орзу-умидлари бор.

Жумҳурятимизда ягона ҳисобланган Бухородаги «Кўникма» жамияти бу борада ҳайрли ва савоб ишларни амалга оширимоқда.

— Бизнинг «Кўникма» ижтимоий тарбия жамиятимиз 1989 йили ташкил этилганди, — дейди жамиятнинг раиси Рустем Асанович Асанов. — Бу гояни вилоят ИИВ ўртага ташланган эди. Бизга Бухоро ишга газлама комбинати катта ёрдам кўрсатди. Даастлаб ўз ётоқхонасидан 3-4 хонани ажратди. Сўнгра шаҳардаги йирик корхоналар, вилоят Кизил ярим ой,

даам пули бериб, ётоқхонадан жой ажратди. Ҳозир иш-газлама комбинатида навбатчи бўлиб ишляпман. Ойлик маошим 204 сўм. Фарзандларим тез-тез келиб туришадиган бўлди. Қанийди бошқа ҳудудларда ани шундай жамиятлар тузила, не-не адашганларга мадад бўларди.

Навбатдаги сухбатдоши-миз Бафо Чўлиев бўлиб, у қуйидагиларни галирди:

— Мен илгари бир неча бор қамалганим. Ҳозир ёшим 61 да. Шундан 35 йилини қамоқхоналарда ўтказдим. Биринчи марта 16 ёшимда панжара ортидаги ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотганман. Асосан вокзал ва қўналғаларда фуқароларнинг шахсий мулкини ўғирлардим. Ўтган йилнинг 1 июнида озодликка чиққач, шу ерга келдим. Чунки ёлғизман, ҳеч кимим йўқ. Жамият менга жуда

катта ёрдам берди. Иш-газлама комбинатида меҳнат қилипман. Шу ердан ётоқхона олиб беришиди. Маошим 200—250 сўм. «Кўникма»дан жуда хурсандман. У мени бешинчи қамалишдан асрар қолди.

«Кўникма» жамияти вилоятдаги тўртта қамоқхона маъмуряти билан келишган ҳолда (маҳбусларнинг ҳоҳиш-истаги асосида, албатта) ширкатлар тузган. Унда маҳбуслар ишдан ташқари пайтда жамият буюртмасига кўра турли хил буюмлар, эсдалик совралари тайёрлашиди. Шу ўринда айтib ўтишим керакки, шаҳарда жамиятнинг ташабуси билан очилган маҳсус дўкон бор. Унда тайёр маҳсулотлар сотилиди. Саводдан тушган пулнинг бир қисми маҳбуслар ҳисобига, қолган қисми эса жамиятга ва қамоқхоналарнинг эҳтиёжига ишлатилиди. Биргина ўтган йилда 100 минг сўмлик мол со-

тилгани бу ишнинг кўламидан далолат беради.

— Ҳозирда вилоят ИИБ бизнинг жамиятимизни ўз оталиғига олган. Ҳамкорликда ишламоқдамиз, — деб сухбати давом эттириди Р. Асанов. — Бизга ИИБ бошлиги полковник Матрасул Собиров, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлими ходими милиция катта лейтенанти Қўчқор Абдуллаевлар яқиндан ёрдам бермоқдадар.

Шунингдек, жамият аъзолари З. Ҳакимова, бўлим мудири Ш. Исматова, ходимлардан М. Исматова, А. Холовларнинг ҳам хизматлари беқиёсdir.

Жумҳурятимизда ягона ҳисобланган Бухоро вилоятаги «Кўникма» ижтимоий тарбия жамиятининг ҳайрли ва савоб ишларни мақтасига арзигулиқдир. Шу каби жамиятларни бошқа вилоятларда ташкил қиласак, жиноятчиликнинг олдини олишда кўл келиши ани.

Кодиржон МУҲАММАДЖОНОВ,
ЎзССЖ ИИВ шахсий тарбији ижтимоий, ҳуқуқий муҳофаза қилиши ва тарбиялаш бошқармаси ходими милиция маҳори.

МАШҚДА ҚИЙИН БҰЛСА...

(«Забт этиш» машқидан суратлы репортаж)



Рұзномамандың 6 июль күнгі соңда хабар қылғаннамаидек, 4-5 июль күнлари Узбекистон пойтахтида «Забт этиш» машқи үткәзилди. УзССЖ ичкі ишлар идоралари ходимларының билим ва маҳоратларини жаңговар тайергәрліктерини синондан үтказып учун құналға, «Қызыл тұқымдаш» темир йүл бекеті ва Тошкент отчопары танлады.

Құналғада турған тайера

жамманинг зерттеборини торған. Чунки уннан ичига қуролланған тұда беркенин болған. Шошилинч ҳаракат қилинға яна имкон йўқ. Негаки, салонда қароқчилардан ташқары йўловчилар — тури өшдаги бегуноқ кишилар ҳам бор. Уларнинг ҳаётларини хавф остига қўйиб бўлмайди.

Оператив штабда ҳозир қалтас вазиятдан чиқиш йўли ахтарилмоқда. Ниҳоят, музокаралар асосида

қароқчилар билан алоқа ўрнатилди. Агар тайерадаги болалар, аёллар ва қариялар озод қилинса, уннан учига рухсат берилшиши айтилди. Шундай қилинди ҳам. Лекин тайера учмади.

«Қызыл тұқымдаш» бекетида эса асосан конвой хизмати ходимларының тадбиркорлығы имтиҳон қилинди. Чиндан ҳам маҳкумларни улов воситаларига чиқарыш ва тушириш буғунги күнде энг изиск ва

таҳликали юмуш бўлиб қолди. Конвой ходимлари бу вазифани маҳорат билан адо этиш бўйича тажриба тўплаганларини на мойиш этдилар.

Тошкент отчопаридан эса иштирок этгандар оммавий тартибисизликларни бартараф этиш юзасидан ички ишлар ходимлари нималарга қодир эканлигини ўз кўзлари билан кўрдилар.

А. МАНТРОВ олган суратлар.

БЕПАРВОЛИК ПАНД БЕРМАСИН

Үтган йили 28 апрель куни кечки соат 5 дан 55 дақиқа үтгандан Охунбобеев номли пахта тайерлаш пунктінде ёнғин чиқди. Бунга пахта ғармини бузувчи кичик механизм электр тармоғининг сақлагич қобиги шикастланғани сабаб бўлди.

31 май куни эса шу пунктда соат 12 да яна ўша механизмнинг электр тақсимлагич қутисидан учқун чиқиб, иккинчи марта тилсиз ёв хуруж қилди.

4 октябрь куни соат 11 дан 30 дақиқа үтгандан Г. Юнусов номли пунктда ҳам оловнинг сариқ «тили» деҳконлар пешона тери эвазига бунёд этган пахталарни «ямлай» бошлиди. Маълум бўлишича, ғарамга транспортерли кичик механизмдан пахта тўкилаётган пайтда барабанларга уланган металл улагичлар ишқаланиши натижасида учқун чиқиб, ёнғин бошлиланган.

Агар шу пахта тайерлаш пунктлари ишчилари бехабар қолишганда ёки ўт учирувчилар зудлик билан ёрдамга етиб келишмаганда, кимматбаҳо саноат ҳом ашёси куйиб, кулга айланган, давлатга катта миқдорда зарар етказилган бўлар эди.

Халқимизда кўр ҳассасини бир марта йўқотади, деган нақл бор. Лекин Мехнатобод туманинда пахтани қайта ишлаш саноати ходимлари бу нақлнинг «нотўғри» эканлигини исбот қилишмоқда. Чунки аксарият пахта тозалаш пунктлари ва заводларидан ҳамон ёнғинга қарши эҳтиёт чоралари кўрилмаган. Масалан, Юнусов номли пунктдаги ёнғинга қарши ҳолат умуман талаб даражасида эмас. Тартиб-қоидаларга мутлақо риоя қилинмайди. Ёнғин чиққудек бўлса, биринчи навбатда асқотадиган буюмлар — сув сақланадиган идишлар, нарвонлар етарли миқдорда эмас. Керакли техникалар қаровсиз ҳолатда сақланаяти. Пахта ғармларини бузувчи механизмлар кучли ток ўтказувчи тармоқларни автоматик тарзда чегаралайдиган ускуналар билан жиҳозланмаган. Электр тақсимлагич шкафлар чанг ўтказмайдиган қилиб созланмаган. Пунктнинг маҳсулот сақланадиган қисмida кучли ток ўтказувчи тармоқларни ётқизиш учун ариқчалар қилинмаган. Ишчилар ёнғиндан сақланыш қоидаларини билишмайди.

Умуман, барча корхоналарда ҳам аҳвол бундан яхши эмас.

Мехнатобод тумани ИИБ давлат ёнғиндан сақлаш назорияти томонидан ёнғиндан сақлаш чораларини кўрмaganligi учун Юнусов номли пахта тайерлаш пункт мудири Н. Усмоновга 20 сүм, Охунбобеев номли пункт мудири А. Норжигитовга 25 сүм, Дзержинский номли пахта тайерлаш пункт мудири М. Тўраевга 20 сүм миқдорида жарима солинган. Лекин бу жарималар номлари қаламга олинган мудирларга пашша қақсанчалик ҳам тасир қилимagan шекили, амалда ҳеч нарса ўзгармай қолаверди. Бизнингчя, улар ёнғинга қарши тайергәрлик кўришга кетадиган ҳаражатларни ҳисоблаб, кўзлари қиймайдиган бўлса керак. Лекин аччиқ бўлса ҳам, ҳақиқат шу: «иқтисод» қилиб қолинган ана шу меблағлар, агар фалокат рўй берса, миллионлаб сўмларни кўкка совуриб юбориши мумкин.

У. ЯХШИБОЕВ,
Мехнатобод тумани ИИБ давлат ёнғиндан сақлаш назорияти бошлиғи ички хизмат катта лейтенант.

ҚИММАТГА ТУШАЁТГАН ЎЖАРЛИКЛАР

«БОГИЧЛАР БЎШ БЎЛГАЧ» [ХАЛҚ СҮЗИ], 1991 ЙИЛ,

3 ЯНВАРЬ] МАҚОЛАСИ

ИЗИДАН

Яқин-яқингача «зангори экран» орқали чет эл полиция чиларининг намойишчи халқни аёвсиз калтаклаши, уларга қарата заҳарли моддалар пуркашию сув билан савалашини кўриб, қаттиқ ранжирдик. Бу ҳолни капитализмнинг чиркин иллати сифатида қораладик. Хайрят, бизнинг элда ҳам, унинг милициясида ҳам инсоф бор, бир-бирига яроғбардорлик йўқ, деб аданак хотиржамланадик. Афсус, минг афсуски, қаттиқ кўз тегди. Не сир-синоату аламки, бугунги кунга келиб бизда ҳам халқ ўз милициясини тошбўронга тутмоқда. Милиция эса унинг бошига резина калтак билан тушираяпти.

Илоҳо Фарғона, Паркент, Душанбе, Ўш фожайлари такорламасин. Лекин яроғбардорлик маъракадош ва тобуткаш қишлоқларимиз орасида шу кечакундузда ҳам давом қилаётки, бу кўргилкнинг ҳам надомати юракни қийноқса соляти. Мана сизга аччиқ бир мисол! Шу йилнинг 9 апрель куни Ургутда фавқулодда ҳолат эълон қилишга мажбур бўлдик. 500 милиционер қўшини қишлоқ ақолиси ўтасидаги ёқавайрон тўс-тўпонни бартараф этишга сафарбар қилинди. Мен бошқача тасвир этолмайман, боргап шуки, халқ ва унинг кўрички милицияси ўтасидаги шармандали ўр-йиқит, сурҳо-сур юз берди. Уч милиционер тошбўрондан шикастланиб, касалхонага тушди.

Нима учун шундай бўлди? Оқибат нега шу даражага етди? Муросаю мадорага мойил ўзга чораси йўқими? Ҳа, афсуслар бўлсин-ким, ўзга иложи қолмаганди. Гап бундай: ўша куни «Меҳнатобод» жамоа хўжалигига қарашли Амонтеллак қишлоғи ақолиси «Ленинград» жамоа хўжалигининг Почвон қишлоғи ҳисобидаги 29 гектар экин майдонини зўрлик билан тортиб олишдек қалтис ишга кўл урди. Ҳолбуки, бу асоссиз даъво эди. 150-200 нафар атрофидаги киши почвонлик колхозчилар ва механизаторларнинг ерни экишга тайёрлаш ишларини тўхтатиб қўйинди. Боз устига катта асфальт йўлдаги транспорт ҳаракатига хавф солиши. Бунга жавобан Почвон ақолиси ҳам кўтарилди. Салгина кечиксан ёки томошабинлик қилиб турсак, иккни қишлоқ кишиларининг ур-йиқит жанжали бир неча қурбонларга сабаб бўлиши ҳеч гап эмасди. Шу босс милиция орага киришга, муомалаю муросага ҳақорат ва тошу яроғ кўтарган бебошларни резина калтак зарбидан сурб ташлашга мажбур бўлди.

Гапнинг тўғриси, халқ билан милиция ўтасидаги бу яроғбардорлик менга жуда алам қилди. Инсофга келмаган айрим нокасларнинг эл бошига калтак тушшишга сабабкор бўлиши ғазабу нафрат қўзғатди.

Қаердаки мана шундай ҳол газак олса, биринчи нав-

батда ўша ердаги раҳбарлар ёқасига ёпишиш азалий одат тусига кирган. Тўғри, эл бошида турган раҳбар чиндан ўз хонадони осоишишалигини сақлашга жавобгар. Башарти у буни эплай олмаса, тегиши лавозимиға нолойик. Бир жиҳатдан уларнинг бўшанглиги, ҳардамхаллиги, жойлардаги вазиятдан ғафлатда қолиши шу оқибатларга олиб келаётди. Майли, бу ҳақда юқоридаги мақолада ўринли айтилган. Лекин Почвондаги можаро муносабатига келсақ, район ва хўжалик раҳбарларининг бир қадар жиддийроқ ҳаракат қилганликларидан кўз юмолмаймиз. Бинобарин, бу иккни қишлоқ ўтасида ўтган йили бошланган ер низоларини бартараф этишга қаттиқ ҳаракат этилган. Роса бир йил олдин ҳар иккала қишлоқ оқсоқоллари ва вакиллари билан жиддий мумомалага киришилган. Тўрт гектар ерни Амонтеллак қишлоғига олиб бериш муросасига келишилган. Бироқ шу битимнинг эртасига ёки, яна 600 киши можаро кўтартган.

Буни нима деса бўлади? Фирромлики, нотантилики, ўжарлики? Ҳаммаси. Энг ёмонни эл номидан чиқиб, гарданкашлик, қилинаётганидир. Дарҳакиқат, «Богичлар бўш бўлгача» мақоласида жуда ўринли айтилган: зардакаш юришларнинг «ижодкорлари аслида ҳамоа чиқартишига сафиқ қаҳага олмайдиган, амал ва фойда илинжидаги соҳта курашчилардир. Амонтеллаклик ана шундай фирромлар ўтган йилги ер талашув жанжалида 8 кишининг, касалхонага тушшиш, 6 кишига нисбатан жинойи иш қўзғатилиши. Сабаб — яна ўша ота-бобомиздан қолган ер. Энди бебошлик жиловдорларининг кимлар эканлигига разм солинг: бригада бошликлари Баҳридин Асомиддинов, Ҳолиқ Расулов, агрономлар Рустам Сайдиев, Абдураҳмонова, Шарофат Дўстова, Зулайҳо Бердиева, София Очилова, Ҳалима Ҳуррамоваларнинг ҳар бири ўринсиз шаддодлик ва безорилклари учун минг сўмдан жарима тўлашга мажбур бўлди. Етмиш ёш остонасида турган Абдунағи Ҳуррамовага нисбатан 15 суткалик қамоқ жазоси қўлланди. Зокир Эргашев ва Дилмурад Жўраевларнинг иши эса терговда.

Бу ҳол шармандаликдан ташқари халқ гарданига зарар юки бўлиб тушди. Милиция ўринсиз можаро ташвишида йўқотган 24 минг сўмни «Меҳнатобод» жамоа хўжалигидан ундириб олиш ҳақида район судига мурожаат этди. Хўш, бу маблағ

кимнинг ҳисобидан кетади? Шак-шубҳасиз, яна ҳалқнинг ҳисобидан. Кимга тўю кимга аза! Ҳеч кимга тўй эмас. Аксинча, бу ҳаммамизга иқтисодий, маънавий, ахлоқий зарару иснод келтириди.

«Богичлар бўш бўлгача» мақоласида келтирилганидек, вилоятда ер низолари ҳамон кучли давом этмоқда. Ҳўжаликларни бўлиш, мансаб курシリлари кашф этиб, уларни эгаллаш илинжидаги газас отган салб юришлари энди бошқача тусга кирди. Яъни, отаболар ери учун кураш ўзанига бурилди. Каттақўрғон районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги аъзоларининг ҳатти-ҳаракати бунинг равшан мисолидир. Эмишки, Ҳатирчи районидаги Акмал Икромов номли давлат хўжалиги иhtiёридаги 40 гектар боғи роғли ер бир пайтлар уларнинг ота-боболарига тегиши бўлган. Ана шу дард билан улар тўстадан ўша 40 гектар ерни ўзбошимчалик билан эгалладилар. Бунга қарши хатирчиликлар ориятикашли зардасида қайнашди. Яна можаро. Яна кутилмаган чақириқа кўра 450 милиционер шармандали ўр-сур сабаби келишилган. Яна 600 киши можаро кўтартган.

Ҳайрят, бу можаро ҳам вақт бой берилмай тинчилилди. Лекин кулгили ва аламли бу ҳолга қарангни, ер дея, ер дея босароқ кечмишлик ўжарлиги шу ернинг ўзида сел-каби бошқа томонга уриб кетди. Охунбобоевлар ўз районларидаги кўшини «Янгиобод» давлат хўжалигининг 13 гектарлик экин майдонига ёпишиди. Сабаб — яна ўша ота-бобомиздан қолган ер. Энди бебошлик жиловдорларининг кимлар эканлигига разм солинг: бригада бошликлари Баҳридин Асомиддинов, Ҳолиқ Расулов, агрономлар Рустам Сайдиев, Абдураҳмонова, Шарофат Дўстова, Зулайҳо Бердиева, София Очилова, Ҳалима Ҳуррамоваларнинг ҳар бири ўринсиз шаддодлик ва безорилклари учун минг сўмдан жарима тўлашга мажбур бўлди. Етмиш ёш остонасида турган Абдунағи Ҳуррамовага нисбатан 15 суткалик қамоқ жазоси қўлланди. Зокир Эргашев ва Дилмурад Жўраевларнинг иши эса терговда.

Биз бу кишилар исм-фамилиясини рўй-рост келтирайтанимизнинг сабаби бор. Яъниким, ўринсиз ўжарлиги билан гарданига иқтисодий зарар юкини ортиқлаётган, уятга қўяётган нокаш шахсларни эл-улус билиши ва улардан ҳушёр тортиши керак. Зоро, халқ ёмон дейиш — андишасизликка ки-

ради. Айрим fat-fatчилар, төр шахсий манфаатчиларги на уни хижолатга, номусга қўядилар.

Бесабаб оқибат йўқ, пичоқни аввал ўзинга ур, дейдилар. Милициянинг оддий бир фарзанди сифатида юқоридаги ноxуш воқеаларни фикр ипига тизар эканман, бунда ҳуқуқ муҳофазаси ходимлари ҳафсаласизлигининг ҳам касру касофати бор, деган тўхтамга келдим. Қаранг, иккни карга иккни тўрт — ер давлатники. Бу гапни эшишмаган кишининг ҳозир ҳам борлигига ишонмайман. Лекин қонун билан белгиланган бу қондани нега билишмайди. Менинг хуласам шундай биз, ҳуқуқ муҳофазаси идоралари ходимлари ҳамон кутиш қадамидан нарига ўтолмаямиз. Жиноят, бебошлик, безориллик, можаро маддаси ёрилсанга, милиция ҳовликиш ҳаракати бошланади. Прокуратурада ўша ноxуш ҳодисани назорат остига олишга киришилади. Суд эса терғов тугашга қараб турди. Бу, айниқса, район бўғинларида кучли сезилиб турди.

Аччиқ бўлса ҳам, бор гап шу, ҳуқуқий давлат тузишини қанчадан кетади. Лекин кулгили ва аламли бу ҳолга қарангни, ер дея, ер дея босароқ кечмишлик ўжарлиги шу ернинг ўзида сел-каби бошқа томонга уриб кетди. Охунбобоевлар ўз районларидаги кўшини «Янгиобод» давлат хўжалигининг 13 гектарлик экин майдонига ёпишиди. Сабаб — яна ўша ота-бобомиздан қолган ер. Энди бебошлик жиловдорларининг кимлар эканлигига разм солинг: бригада бошликлари Баҳридин Асомиддинов, Ҳолиқ Расулов, агрономлар Рустам Сайдиев, Абдураҳмонова, Шарофат Дўстова, Зулайҳо Бердиева, София Очилова, Ҳалима Ҳуррамоваларнинг ҳар бири ўринсиз шаддодлик ва безорилклари учун минг сўмдан жарима тўлашга мажбур бўлди. Етмиш ёш остонасида турган Абдунағи Ҳуррамовага нисбатан 15 суткалик қамоқ жазоси қўлланди. Зокир Эргашев ва Дилмурад Жўраевларнинг иши эса терговда.

Масаланинг иккичи томони, қонун ва қарорлар ижросини таъминлашдаги саналорликададир. Вилояждада ер низолари ниҳоятда кучайи кетганда ҳол депутатлари вилоят Советининг айнан шу масала муҳокамасига бағишиланган навбатдан ташқари сессияси (1990 йил 23 апрель) чақирилди. Сессия хўжаликларнинг бўлиншилага, ер та-

лашиб ҳолларига барҳам вазифасини қўйди. Шу йилнинг 18 февралидаги ҳол депутатлари вилоят Советининг ҳамда вилоят партия комитети, биоросининг қўшма мажлиси ҳудудий ва ер тортисувлари масаласини яна қараб чиқди. Айрим район Советлари, хўжалик ва партия органларининг бу борадаги вазияти барқарорлаштиришдаги ишлари қониқарсиз, деб топилди. Қабул қилинган қарорда ер низоларига нуқта қўйиш вазифаси белгиланди. Лекин афсуски, район ва қишлоқ Советлари бу вазифалар ижросига ниҳоятда қатъиятсизлик, совуққонлик билан ёндашмайдарлар. Бинобарин, улар ҳатто Узбекистон ССЖнинг «Ер тўғрисида»ги қонунида берилган ваколатларидан ҳам фойдаланишмаяпти. Айрим қонунбўзарларга нисбатан тегиши чора кўришда кўнгилчанлик ҳукм сурмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси ўша соҳта курашчи шаккоклар чироғига ёғ куяяпти. Оқибатда бир парча ер учун ёқалашаётган — эл. Маломатга қолаётган — эл. Зарар юки остида бели букияётган — эл.

Андишасизлик арқонига осилаётган кишилар ҳақида иккни оғиз сўз. Оқсоқолларни инсофга, муросага қақириш биз учун эҳтимол ғалати тувлар. Лекин ургутлик етмиш ёшли Абдунағи боборларнинг ер талашиб можароларида элни яроғбардорликка даъват этишларини қандай баҳолаш керак? Ахир, шундай йўлга отлангандарни болам-бўтам, деб қалтис қадамдан қайтириш, муроса йўлни тутиш улар учун фарз эмасми? Еки аҳли аёлларимизнинг кетмону капча кўтириб, оломон олдига тушишлари, бешарму беҳаёд шаддодликларини қандай ҳазм қиласиз? Норасида гўдакларнинг эса улар этагига ёпишиб, зор-зор қақшаб югуришлари қайси қолипга сиғади?

Хуллас, оғрикли саволлар кўп. Дабдурустдан уларга тўкис жавоб бермоқ эса мушкул, жуда қийин. Лекин жавоб топмоқ шарт ва зарур. Айниқса, Ургут, Каттақўрғон, Иштиҳон, Паст Дарғом районлари раҳбарияти, хўжаликларининг мутасадидлари, оқсоқолларининг бу беҳуда зўриқишилар олдини йўлидан бормоқлари ҳам фарз, ҳам қарз. Биз, иккни шиллар маҳкамаларининг раҳбарияти эса қайси жойдаки шундай шармандали ёқавайронлик содир бўлса, бунда ходимларимизнинг ҳали қарорида айтилган нуқсонлари «хиссаси» кўриниб қолса, улар билан хизмат ва бурч тартиб-коидасига кўра қатъий ҳисоблашиш тўхтамига келдик.

Нортожи ЯҲШИЛИҚОВ,
Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари милиция майори.

[«Халқ сўзи» рўзномасидан].

ТАРБИЯГА МУҲТОЖ МУАЛЛИМ

Муаллим, деганда кўз ўнгимизда туриш-турмуши билан ҳаммага ўрнан бўла оладиган, ўта маданийти одал гавдаланади. Афсуски, шоли курмаксиз бўлмайди, деганларидек, меҳри дарё муаллимлар орасидан ҳам эл-юрт назаридан қолган, ўқитувчи деган муқаддас номга дод туширадиганлар ҳам топилиб тураркан. Ана шундай шахсларнинг вакили Сўх туманиндағи Девайрон қишлоғи

да яшайдиган, Менделеев-

номли ўтар мактабда болаларга сабаб берадиган Мамашариф Шарипов бўлиб чиқди.

У шу йил 4 апрель куни арзимаган нарсани рўяқач қилиб, турмуш ўртоғи Мамашариф қайнатасининг уйига кириб келди. Ана ёй, бе йўқ, Моҳирани ҳақоратлаб, кейин дўйпослай кетди. Оғзи-бурни қонга тўлган қизини барзанги күч-чангалидан қутқариб олишга оқизлик қилган чол-кампир дод солиб, бошқаларни яширинганди. Ниҳоят, у қайнонасини нишонга олиб, тепкини босди. Ку-

тилмагандан янграган ўз зарбидан Мўътабар хола қора қонга беланиб йиқилди.

Қўни-қўшнилар ўқитувчи деган номни булғаган күбенинг лаънатлаб, кампирни қизининг олдига — шифохонага элтиб

Холмирзо эндигина 24 ёшга қадам күйгани билан каласи күп балога етаркан. Маълумоти дейсизми? Атиги 8 синф. Аммо гал саводда эмас, ишнинг кўзини билиши да. Ҳозир ҳамманинг дарди битта. Пул топиш, яхши яшаш. Қойил қоладиган жойи шундаки, у пул топишнинг антиқа усулини ўйлаб топди. Ахир ишламаганидан туну кун «қашшоқлик»дан қутулиш йўлларини ўйлади-да. Юрса ҳам кўзинга пуллар кўринарди, турса ҳам.

Бир куни у танишни Илҳомнинг олдига ҳалласлаб келди. Бир неча дақиқалик пичир-пичирдан сўнг бир-бirlарининг қўлларини маҳкам сиқиншиб, аҳдлашишди.

Инки шарпа Жомбий туманинг Охунбобоев номли жамоа хўжалигидаги 35-аралаш моллар дўконида пайдо бўлди. Қоровул бу пайдада уйда маза қилиб хуррак отарди. Дўконнинг орқа деворидан кераклича туйнук очтган йигитлар инкита қопга 2.033 сўмлик 15 хил молларни солишиди. Орадан ўн кунин ўтказиши. Гап-сўз йўқ. Атроф жимжит. Бу гал пичир-пичирнинг ҳожати қолмади. Тунда велосипедларига миниб, А. Қурбонов номли жамоа хўжалигидаги 26-аралаш моллар дўкони сари елиб кетишиди. Қоровулнинг сояси кўринмагач, ўзлари билан олиб келган болта ёрдамида дарча очишиди. Учта қопга яхшилаб жойласа 3.258 сўмлик латта-путта сигаржан.

Суяк чайнамаган итнинг тиши қичиса, Холмирзонинг ўмармаса қўли қичишадиган бўлди.

Бу сафар ҳамтовогини ўз-

ТУНГИ ИРЛАДАР ВА ҮГРИБОП ҚОРОВУЛЛАР

гартириди. Б. Сафаров билан «Коммунизм» жамоа хўжалигидаги 25-аралаш моллар дўконига қиласан «зиёратидан ҳар инкиси зарар кўрмади. 2.540 сўмлик давлат муликни ўмарни ҳазилакамми, ахир?

Бандасининг бирор нарсага астойдил ишқи тушиносин экан. Шўрлик туну кун ўшани ўйладиган бўлиб қолади. Фақат «шундай қўлсам, бундай қўлсам», дер экан, аммо «бундай қилишларни мумкин» демаскан.

Таниш-билишчилик қурсин, яна Илҳомнинг уйига борди. Биргалашиб 11-аралаш моллар дўкони тарафа гайрага чиқишиди. Ё, раббий! Бу ерда ҳам қоровулнинг кўринмасди.

Омаднинг юришгани ўзуда. Таваккал қилиб қулдни буза бошлиши. 3.062 сўмлик молни уйига келтириб, хотижам кўриласига оёқ узатди.

Инки кундан кейин Илҳомни яна «ишга» чақириди. Чамалаб кўрса, ён-веридаги дўконларни шил-шийдам қилиб «куритиб» бўлишган. Энди сал узоқроқча кўз тикиди. Пайариқ туманинг «Пайариқ» давлат хўжалигига жойлашган 16-аралаш моллар дўконига муралашди. 7.125 сўмлик нарсаларни орқалашди.

Ўн беш кундан сўнг анча тажриба ортирган жўраларнинг кўзига «Октябрь» жамоа хўжалигига қарашли 40-аралаш моллар дўкони иссиқ


кўринди. 3.787 сўмлик таъчилил молларни қопларига тишиш экан, башарти иши юриши бойиб кетгудек бўлса, албатта, ўзи тозалаган дўкон қоровуллари шаънига бирор бир ҳайкалга ўхшаганроқ нарса қўйинши дилига тутди. Кейинги ўғирлика Илҳом ва Шералилар билан биргаликда йўл олди. Оқдарё туманинг «Энгельс» номли жамоа хўжалигидаги 20-дўкондан 3.864 сўмлик кийим-кечак, газмолларни таги тўлмас қопларига жойлаб, изларига қайтилар.

Самрақанд вилояти ИИБ ходимларини ҳали у, ҳали буддиконда юз берадиган ўғирлики хушёр тортириди. Жиноятнинг бир хиллиги, содир қилинин жараени, қолдирил

ган излар батафсил ўрганилганда, улар тўппа-тўғри Холмирзо Қурбоновнинг уйига етаклади. Унинг уйи тинтуб қилинганда, ўмарилган моллар ва 300 грамм марихуана топилди. Доворак ҳаҳрамонимиздан ҳамтвоқлари ҳақида суринтиришга кўп вақт кетмади. Улар 1969 йилда туғилган И. Жуманазаров, 1968 йилда туғилган Б. Сафаров, 1965 йилда туғилган Ш. Умаровлардир. Бу йигитларнинг қингир ишларини амалга оширишида қўлай шароит яратиб берган дўкон қоровуллари билан ҳам танишиб қўйинг: 1931 йилда туғилган Очил Тўйчиев, оиласи, маълумоти 7 синф, 1935 йилда туғилган Ҳамроқул Ибодов, оиласи, маълумоти 7 синф, 1936 йилда туғилган Исмат Абдиев, 9 фарзанднинг отаси, маълумоти 8 синф, 1938 йилда туғилган Мусурмон Облоқулов, оиласи, маълумоти олий, 1962 йилда туғилган Раббим Маматкулов, оиласи, маълумоти 8 синф.

Қўриқчига муҳтоҷ қоровулларнинг суд олдидаги турли баҳоналарини эшишиб, тунги хизматларини қай йўсинда олиб бораётганларини билис олиш қўйин эмас. Ҳалининг рўзгорига аскотидиган, меҳнаткашлар кутаётган молларнинг тақдиди уларга ишониб топширилганига афсусланасан, холос. Энг алам қилидиган жойи одамлар қидириб, сўраб келган молларни «йўқ» деб сотувчи бир алдаса, таниш-билиш, чайловчиларига бериб юбориб, инки алдайди, ўғирлатиб уч бора алдайди. Шу ҳам инсофданми?

Муҳаббат ИБРОҲИМОВА.



Дўстлик шаҳри ИИБда милиция капитани Ганжабой Отажоновни уста деб атасади. Бу бежиз эмас. Уузоқ йиллар давомидан ДАН соҳасида ишлаб, ўзига хос бой тажриба ортириди. Энди эса ана шу тажрибаларини бирга хизмат қилаётган ёшиларга сидқидилдан ўргатмоқда.

Бундан ташқари унинг оддий фуқаролар орасида ҳам ҳурмати баланд. Шу

боис шаҳар Кенгаши ноиби этиб сайдланган. Айни кунларда иши қанчалик тиғиз бўлмаси, вақт тоғиб, сайловчилардан тушган наказларни адо этишга ҳам астойдил ҳаракат қилимада.

СУРАТДА: милиция капитани Г. Отажонов ДАН-нинг янги инспектори Эркин Жуманиёзов билан хизмат пайтида.

Сурат муаллифи
Сайдулла БОБОЕВ.

УСТА ФИРИБГАР ВА СЕРПУЛ ЛАҚМАЛАР

Дунё ажойиб ҳодисаларга лиқ тўла. Одамлар орасида фирибгари лақмалар, кўзбоявлигичи соддалар, тантан бойваччалару ночорлар бор.

Сусания Погосян фаолияти билан танишгач, унинг қай тоифага киришини белгилаш вазифасини рўзномасеварларга ҳавола этишини лозим топдик.

Иши ва яшаш жойининг тайини йўқ бу хоним 1958 йилда таваллуд топди.

Арманистоннинг асл қизини бўлиш ўрнига Арнийск туманинни тарқ этиб, Қарши шаҳридаги лақмаларни ўз тузугига илнитира бошлиди. Унинг маккорлиги ва ҳийаси туфайли ўйлаб кишилар азоб чекди, юрак ўйноги 'касалига гирифтор бўлди.

Фирибгарликни ўзига касб қилиб олган Сусания 1989 йили Қаршидаги 1-ўрам уйларидан бирда яшовчи Людмила Милушкина ишончини қозониб, ундан 530 сўм пул олади ва қайтариб бермайди.

1990 йилнинг февраль ойидан бошлиб Қарши шаҳрининг 4-ўрамидаги 20-ўйда истиқомат қўлувчи Татьяна Кравченко билан яшай бошлиди. уни авраб, 135 сўмлик аёллар этигини олади. Вакт ўтса ҳамки, на этикни, на пулни ўй эгасига беради.

Сусания Погосян ўзининг жинойи ҳаракатларини давом эттириб, 1990 йилнинг 12 априлида фуқаро Артур Нафилов эътиборини қозонди. Ундан сўнг костюми олиб бераман, деб 175 сўм пул олади. Артур Нафилов на пулни, на кос-



тумни қўрди. 1990 йилнинг 5 сентябрида Салима Бобомуродова товламачи С. Погосянга 4800 сўмлик бриллиант зираги ва узугини сотиб беринг, деб тутқазди. Бу қимматбахо буюмлар ҳам «гум» қилинади. Унинг устига Қаршидаги 1-ўрамнинг 5-ўйда яшовчи А. Маҳмудова хонадонини Салима Бобомуродовага пуллаб юборади. (Сусания Погосян ушиб манзилда вақтнинчилик яшайтган эди). Қийналмасдан уйга эга бўлганидан боши осмонга етган Салима Бобомуродова Сусанига 4 минг сўм пулни куртдек санаб беради.

Ўзининг подир истеъодидан мамниу бўлган товламачи яна лақамаларни излай бошлидай. 1990 йилнинг 20 ноябринда таниши Ольга Фе-

дотова уйига кириб, Булғориялик Мария Филиппова исмли аёлга чет элда тайёрланган ранг-бараиги кийим-кечакларини шартномавий нархда пуллаб берни мумкинлигини қўйди. Лекин эртасига пул ҳам, кийим-кечаклар ҳам Филиппова қўлига қайтиб тегмайди. Шундан сўнг меҳмон қўни-қўшилар иштирокида С. Погосян хонадонига киради ва ўз буюмларидан баъзи бирларини топиб олади. 2 метрли қора рангдаги 180 сўмлик, 3 метрли тўқ қизил рангдаги 270 сўмлик оқ рангдаги аёллар туфлиси эса гойиб бўлганди. Сусания Погосян жабланувчи Филипповага 485 сўмлик зиён етказади. Бу рўйхатни давом эттириш мумкин. Лекин биз шу ерда «қаҳрамонимиз» фаолиятидан лавҳалар келтиришга чек қўймиз. Унга ҳақиқи баҳони суд идоралари қўйнишига ишончимиз комил. Ҳозирча Қарши шаҳар ижрони қўмитаси ИИБ катта терговчиси милиция катта лейтенанти Маҳманизар Равшанов товламачи ишини ниҳоясига етказмоқда.

Ўйлаб қоласан, киши. Нахотки, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тортган кишилар осонликча у қўйган тузоқда тушаверса?! Ахир, уларнинг лақмалиги текийтомоқла сонни кўпайтиримоқда-ку!

Мурод МАҚСУД.

СУРАТДА: товламачи Сусания ПОГОСЯН.

Муаллиф олган сурат.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Телефонлар: Муҳаррир,

Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил

«ПОСТДА» —
(«НА ПОСТУ»)
Орган коллегии МВД
УзССР

муҳаррир ўринбосари — 39-77-23,

37-23, 46-56 (ички).

Рўзиома оффсет усулида, А-3 қолинида босилган 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 Босмага берниш вақти 18.00. Босмага берниди — 17.30. Буюртма — 5719. Индекс: 64615.